Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 114 (4809).
21 МАЙ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Қардош Чехословакия туристларидан катта группаси республика ҳаёти билан танишмоқда. Группага Чехословакия Социалистик партиясининг Раиси, ЧССР федерал мажлиси раисининг ўринбосари, Совет — Чехословакия дўстлиги иттифоқи марказий комитети президиумининг аъзоси Богуслав Кучера бошчилик қилмоқда.

СССР савдо-саноат палатаси ташкил этилганига 50 йил тўлди. 20 май куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу санага бағишланди.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг тўққизинчи съездига

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика «Билим» жамияти IX съездининг делегатларини ва қатнашчиларини ҳамда сизлар орқали жамиятга аъзо бўлган олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, адабиёт ва санъат арбобларининг кўп минг кишилик отрядини қизғин табриклайди.

Сизларнинг съездингиз совет кишилари КПСС XXVI съезди белгилаб берган тарихий режаларни амалга ошириш учун ўзининг юксак бурчи ва масъулиятини англаб қуришаётган, халқимиз, бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётидаги шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан муносиб равишда кутиб олишга ҳозирлик кўраётган бир вазиятда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган программавий нутқлари сиёсий активликни ва меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди.

«Билим» жамияти партиянинг кўп қиррали идеологик фаолиятида унинг содиқ ёрдамчиси бўлиб, гоявий-сиёсий турмушда катта ўрин олиб турибди. Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг ташкилотлари пропаганданинг форма ва методларини тобора кенгайтириб, меҳнаткашларни ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга сафарбар этиш, уларни гоявий эътиқодли қилиб, меҳнатга коммунистик муносабат ва юксак маънавий фазилатлар руҳида тарбиялаш учун кўп иш қилмоқдалар.

Ҳозир лекторларнинг сиёсий маориф ленинча санъатини сабот билан эгаллашдан ҳам, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга жўшқин оташин сўз билан тоббора кўпроқ таъсир ўтказишдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Шу мақсадда марксизм-ленинизм ғояларини буюк революцион ўзгартувчилик кучини, социализмнинг тарихий афзалликлари ва ютуқларини, ишчилар синфининг, партиямизнинг меҳнаткашларни интернационал жиҳатдан тарбиялашдаги, барча миллат ва элатларнинг ҳар томонлама тараққий этишидаги, коммунистик қурилиш муваффақиятларидаги қаҳрамонона ролини ёрқин мисоллар асосида маҳорат ва тушунарли тилда очиб бериш зарур. Иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, социалистик мусобақа таъсирчанлигини кучайтиришга, маблағ ва материалларни тежашга бутун ижодий куч-ғайратни сарфлаб кўмаклашиш — жамият аъзоларининг фахрли бурчидир.

КПСС ленинча ташқи сиёсатининг тинчликсевар, интернационалистик характерини бундан буён ҳам кенг миқёсда тушунтириб бериш, буржуа идеологиясига қарши муросасизлик билан курашиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг IX съезди самарали ишлашини тилайди ҳамда «Билим» жамиятининг барча лекторлари жонажон партия ғояларини оммага янада активроқ етказадилар, ҳар бир кишини ўз билимларини кўпайтиришга интилувчан қилиб ва бу билимларни коммунизм қурилиши улуғ ишига хизмат эттирадиган қилиб тарбиялайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ШОНЛИ АНЪАНАЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИ

ВЛКСМ XIX

ВЛКСМНИНГ XIX СЪЕЗДИДА

ВЛКСМ XIX съезди делегатларининг нутқлари Ватаннинг равнақи тўғрисидаги, ёшларнинг совет халқи меҳнат ютуқларига ҳиссаси ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Барча иттифоқдош республикалар комсомолларининг вакиллари Ленин партиясининг илҳомбахш сўзларидан руҳланиб, дўстлик муҳитини, совет кишиларининг фикри-зикри ва муддаолари тўла-тўкис ҳамоҳанглигини янги куч билан ҳис этаётганликларини таъкидламоқдалар. Олижаноб ягона ғоя туйғуси ёш авлоднинг зўр бунёдкорлик имкониятларига қатъий ишонч туғдирмоқда.

Илғор комсомол-ёшлар коллективлари социалистик мусобақада юксак марраларни дадил эгаллашдан ҳам, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга жўшқин оташи сўз билан тоббора кўпроқ таъсир ўтказишдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Шу мақсадда марксизм-ленинизм ғояларини буюк революцион ўзгартувчилик кучини, социализмнинг тарихий афзалликлари ва ютуқларини, ишчилар синфининг, партиямизнинг меҳнаткашларни интернационал жиҳатдан тарбиялашдаги, барча миллат ва элатларнинг ҳар томонлама тараққий этишидаги, коммунистик қурилиш муваффақиятларидаги қаҳрамонона ролини ёрқин мисоллар асосида маҳорат ва тушунарли тилда очиб бериш зарур. Иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, социалистик мусобақа таъсирчанлигини кучайтиришга, маблағ ва материалларни тежашга бутун ижодий куч-ғайратни сарфлаб кўмаклашиш — жамият аъзоларининг фахрли бурчидир.

20 май куни съезд ўз ишини давом эттирди. И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зиманин ўртоқларни съезд делегатлари ва меҳмонлари самимий кутиб олдилар.

Арманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. А. Турьян**, ВЛКСМ Горький область комитетининг биринчи секретари **С. В. Марков**, Молдавия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. В. Бабий** ва бошқа делегатлар ўз нутқларида комсомол партия раҳбарлигидан кучқувват олаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар ишонтириб айтдиларки, комсомол партиянинг юксак ишончини оқлайди, Ватанимиз яна ҳам бадавлат ва қўркам бўлиб қолиши учун ҳамма ишни бажо келтиради. Нотиқлар ишлаб чиқариш ва комсомол ишида янги илғор тажрибани дадилроқ жорий этишга, сусткашликка, юзакичиликка қарши қатъий курашишга даъват этдилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти **А. П. Александров** съезд делегатларини совет олимлари номидан табриклади. Сизларнинг ҳаммангиз, деди нотиқ, XXI асрда яшайсизлар. Кеча авлодинг меҳнатлари билан вужудга келтирилган қолт катта маънавий бойликдан тўлиқроқ фойдаланиш, ижодиётнинг барча турларини эгаллаш — ёшларнинг вазифасидир.

Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри **Б. Е. Щербина**, Тюмень областидаги 2-Сўрғут пармалаш ишлари бошқармасининг смена мастери **М. А. Копилов** мамлакат ёқилғи-энергетика программасини амалга оширишда, Ғарбий Сибирь территориал ишлаб чиқариш комплексини ривожлантиришда, Уренгой — Ужгород газ қувури қурилишида комсомол ва ёшларнинг иштироки тўғрисида сўзлаб бердилар. Зарбдор комсомол отрядларини ташкил этишнинг янги формаларини қидириб топиш, ёш қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Мурманскдаги 27-ўрта мактаб ўқитувчиси **Л. В. Герашченко**, СССР маориф министри **М. А. Прокофьев** ўз нутқларини мактаб ҳаёти, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини ошириш масалаларига бағишладилар. Нотиқлар коммунизм идеалларига астойдил содиқ бўлган ёшларни камол топтиришда комсомол билан мактабнинг иттифоқини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини уқтириб ўтдилар.

Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. М. Султонов**, Туркманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ж. К. Б. Чорнева**, Қирғизистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Т. С. Айтбаев** ўрта Осиё республикаларининг СССР тенг ҳуқуқли халқлари аҳил оиласидаги ҳар томонлама равнақи тўғрисида сўзлаб бердилар. Бир вақтлар ҳувиллаб ётган ерларда завод ва фабрикаларнинг корпуслари қад кўтарди, қудратли электр станциялар барпо этилди, пахта далалари, ямғиқ ойлар бунёд этилди. Республикаларнинг комсомоллари, барча йигит-қизлар КПСС XXVI съезди режаларини амалга оширишда актив иштирок этмоқдалар.

ВЛКСМ Ростов область комитетининг биринчи секретари **В. Н. Агеев** «Ростсельмаш» комсомолларининг ВЛКСМ XIX съезди очиладиган куни қишлоқ меҳнаткашларига пландан ташқари 60 та комбайн етказиб берганликларини маълум қилди. Область комсомол ташкилоти социалистик мусобақа практикаси вужудга келтирган энг яхши тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга интилмоқда.

Комсомольск-Амур шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **Н. Н. Губачев** ҳар икки ёш ишчининг бири комсомол съездини беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, шаҳар дастлабки қурувчиларининг эстафетасини муносиб равишда давом эттириб кутиб олганлигини маълум қилди.

Съезд делегатлари ишлаб чиқариш коллективларида бригада пудратини жорий этиш масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Москвадаги Лихачев номли автомобиль заводи комсомол комитетининг секретари **Е. С. Кузьмин** корхона комсомол-ёшлар бригадаларининг меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантириш янги формасига ўтиш тажрибаси тўғрисида гапириб берди. Янгилиқнинг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини оширади, камроқ составда меҳнат қилиш имкониятини яратади.

Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари — мамлакат ишчилар синфи ёш ўринбосарларининг намояндалари съездни табрикладилар. Улар ўқишдаги, ишчилик маҳорати чўққиларини эгаллашдаги муваффақиятлари тўғрисида рапорт бердилар.

Мамлакат бош комсомол йиғилиши қатнашчиларининг нутқлари Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи, империализм, милитаризм ва реакция кучларига қарши, социал тараққиёт, миллий мустақиллик учун кураш олиб бораётган чет эллардаги ўз тенгқурларига нисбатан бирдамлик туйғуси билан суғорилгандир. Кўпгина чет мамлакатлар коммунистик, демократик ва социалистик ёшлар союзлари намояндаларининг табрик нутқлари қизғин қарсаклар билан кутиб олинди.

20 май куни съезднинг яллиқ мажлислари билан бир вақтда ишлаб турган секцияларда делегатлар комсомол ишни тажрибасини ўртоқлашдилар.

ВЛКСМ XIX съезди 21 майда ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

КОМСОМОЛНИНГ ШОН-ШАРАФ ИШИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1982 йил 18 май куни Москвада, ВЛКСМ XIX съездида сўзлаган «Халқ манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш — комсомолнинг шон-шараф иши» мавзуидаги нутқи алоҳида китобча қилиб босиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди ва Москвадаги «Красний пролетарий» босмахонасида нашр этилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ КЕНГАЯДИ, ГЎЗАЛЛАШАДИ

СССР Госстройининг граждан қурилиши ва архитектура бўйича Давлат комитети Тошкентда Ўзбекистон ССР Госстройи ва республика архитекторлар союзи правленеси билан ҳамкорликда сайёр йиғилишини ўтказди. Унда Ўзбекистон пойтахтининг янги бош плани, шаҳар ва унинг атрофида янги қурилиш ишларини лойиҳалаштириш, иш сифатини яхшилаш масалалари кўрилди. Йиғилишгача бош планнинг амалга оширилиши, граждан турар жой қурилишининг сифати, индустриал уйсозлик базасининг ривожланиши синчиклаб ўрганилди. Уни граждан қурилиши давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Госстройининг тегишли бўлимлари амалга оширдилар.

Йиғилишни граждан қурилиши бўйича Давлат комитети раиси Г. Н. Фомин очди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи С. Р. Одилов, «ТашНИИПИгенплан» институти директори Ф. Ю. Турсунов, Давлат граждан қурилиши бўйича давлат комитетининг шаҳарлар қурилиши ва планлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Л. С. Гришина, граждан қурилиши бўйича давлат комитети давлат қурилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари А. М. Андреевлар доклад қилдилар.

Мамлакат ва Ўзбекистоннинг етакчи мутахассислари, СССР ва Ўзбекистон ССР Госплани, СССР Госстройи, қурилиш ва монтаж министрликлари ва идоралари, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари мамлакатнинг йирик сиёсий-иқтисодий, фан ва маданият марказларидан бири бўлган Тошкентни 1990 йилгача ривожлантириш истиқбол планини ҳар томонлама муҳокама қилдилар. Ана шу вақтга бориб, Тошкент шаҳрининг аҳолиси 2 миллион 200 минг кишига етади. Барча инженерлик ҳамда бошқа машиналар хизмат комплекслари билан таъминланган 14 миллион квадрат метрга яқин турар жой бинолари бунёд этилади.

Докладларни муҳокама қилишда граждан қурилиши давлат комитетининг транспорт бўйича бош мутахассиси И. Б. Бордуков, комитет раиси ўринбосари Э. В. Сарнацкий, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов, Госплан бўлим бошлиғининг ўринбосари Д. Т. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Госстройи раиси В. С. Скребнев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Граждан қурилиши Давлат комитети ўзининг қарорида Тошкентнинг янги бош планини қизғин маъқуллади ва унга юксак баҳо берди. Шу билан бирга унинг айрим бўлимларини яхшилаш бўйича қимматли маслаҳатлар ва кўрсатмалар берди. Жумладан, сув ҳавзалари, шаҳобчалари, кўкаламзорлаштириш бўйича қилинадиган иш ҳажмлари кенгайтирилади. Шаҳар марказ ва районларининг турар жой, жамоат марказларини янада яхшироқ планлаштириш, транспорт ҳаракатини яхши ташкил этиш, қурилиш ва лойиҳа ишлари сифатини назорат қилишни кучайтириш тавсия этилди.

И. АХМЕТОВ.

• Қурилиш майдонларида

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ УЙ

(ФОТОРЕПОРТАЖ)

Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб замонавий типдаги янги уйлар турар жой бинолари кўплаб бунёд этилмоқда. Чунончи, кўчанинг Юнусобод массивига тутташган қисмига жойлашган СБ—4 микрорайонида янги эксперименталь уй қуриляпти. Тажриба-намуна уйи қурилишида монтаж ишлари муддатидан анча илгари бажарилди. Ҳозир бинода пардоз ишлари олиб бориляпти. Сайқал ишларини 2-Пардозлаш трестининг 48-қурилиш бошқармасига қарашли олтита пардозловчилар бригадаси сифатли бажаришга эришмоқда. Бўёқчиларга Римма Янбарисова, Зиёвуддин Аҳмедов, Ҳусниддин Аҳмедов каби тажрибали бригада бошлиқлари етакчилик қилишмоқда.

Бино тўққиз қаватли бўлиб, 90 квартирадан иборат. Хоналар кенг, ёруғ ва шинамдир. Биргина сайқал ишлари учун 270 минг сўм маблағ ажратилган.

— Шу кунгача 220 минг сўмликдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди, — дейди участка бошлиғи Бахтиёр Саидхўжаев. — Биз асосан иш сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Маълумки, кейинги пайтда янги уйларга кўчиб ўтаётган ҳамшаҳарларимиз пардоз ишларининг сифатсиз бажарилаётганлигидан нолишмоқда. Лекин бошқармамиз коллективи бунга йўл қўймайди. Бу ерда меҳнат қилаётган коллективларда ўз касбининг усталари меҳнат қилишяпти. Чунончи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Георгий Ярунин, Чилонзор район Совети депутати О. Городецкая шулар жумласидандир. Бригадаларда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий ва ўрта таълим ўқув юртларининг кечки бўлимларида таълим олмоқдалар. Масалан, ёш қурувчи М. Каримов қурилиш техникумида, А. Қудратов ўқув комбинатида қурувчилик малакасини оширмоқда.

Шу кунларда бинода пардоз ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ҳадемай, бу янги эксперименталь уйга ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтадилар.

Куни кеча жамоатчи фотомухбиримиз Х. Мирзакаримов эксперименталь уй қурилишида бўлиб, бир нечта сурат олиб қайтди. Шундан иккитаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Биринчи фотосуратда Римма Янбарисова бошлиқ бўёқчилар бригадасининг илғор бўёқчилари опа-сингил Альбина ва Светлана Пчелинцевалар ҳамда бригадирнинг ўзи (чапда) тасвирланган. Иккинчи суратда эксперименталь уйни олд томонидан кўриб турибсиз.



20 июнь—маҳаллий Советларга сайловлар куни

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Куни кеча чиройли қилиб безатилган агитпункт қоғозига бир группа меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари келишди. Улар ёш сайловчилар билан учрашдилар.

Октябрь районидаги 92-мактаб қошида жойлашган агитпунктда ўтказилган ана шу учрашувда Ж. Рустамов, В. И. Липанин, Н. Нўлатов каби Улуғ Ватан уруши ветеранлари қатнашдилар. Улар ёш сайловчиларга фронт хотираларини сўзлаб беришди. Ёшларни дунёда энг халқчил сайлов системасига эга бўлган Ватанни севишга чақирдилар.

Мактаб директори Халима Шомуродова мудир бўлган ана шу агитпунктда сайловолди ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ўттиз кишидан иборат агитаторлар коллективи иш планларида кўзда тутилган тадбирларни белгиланган муддатларда ўтказди. Жумладан, «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга», «СССР Конституцияси — бахтимиз қомуси» мавзуидаги суҳбатлар сайловчиларга манзур бўлмоқда.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

ҲАВАС ВА ИШТИЁҚ БИЛАН

Шаҳримиздаги 171-ўрта махсус ҳунар-техника билим юртида ўқувчиларнинг малакали касб эгалари бўлиб етишишлари учун катта эътибор берилмоқда. Билим юрти ташкил этилгандан буён уни минглаб ўқувчилар битиришиб, бўёқчилик, наққошлик, ғанч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, электр пайвандчи, дурадгорлик касблари бўйича малакали мутахассис бўлиб етишдилар.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛЬ АРАФАСИДА

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Халқаро кинофестивали бир неча кундан кейин Ўзбекистон пойтахтида тантанали суратда очилади. Шу фестивалга ҳозирлик тугалланмоқда. Кино анжуманининг барча хизматлари ишлаб турибди, фильмларнинг расмий намойиши ва информацион кўриш программаси белгиланган, шаҳар қиёфасига сўнгги байрам белгилари қўшилмоқда — Тошкент эмблемалари билан, уч қитъа экран усталари анъанавий учрашуви қатнашчилари ва меҳмонларини табриклаб бир неча тилларда ёзилган транспарантлар билан безатилмоқда. Кинофестивалга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитетининг 19 майда бўлиб ўтган мажлисида ана шулар айтиб ўтилди. Мажлисни ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева олиб борди.

Республика министрликлари ва идоралари, Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг кино санъати байрамига тайёрлик тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Е. Ёқубжонова раислигида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивалига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича шаҳар штабининг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда шаҳардаги барча хизмат ва бошқармаларнинг фаолиятига якун чиқарилди, ташкилий ишлар бўйича вужудга келган муаммолар ҳал қилинди. Умуман ягона фикрга келдик: Тошкент Халқаро кинофестивали ўтказишга ҳар жиҳатдан тайёр.

ФАРҒОНАДА КИНОКЎРИК

Фарғона, Марғилон, Қўқондаги энг яхши кинотеатрларда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивалига бағишланган фильмларни тематик кўрсатиш бошланди. Уч қитъа кинематографиячилари яратган ўттиздан ортиқ кинолента бу кўрик программасига киритилган. Область аҳолиси экран усталарининг ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Экран усталарининг кўпчилиги кино санъати арбобларининг Тошкентдаги анъанавий учрашувларида иштирок этишган.

(ЎзТАГ).

БУГУН

билим юртининг 400 ўқувчиси ишлаб чиқариш практикасини пойтахтимизнинг қатор қурилиш объектларида иштиёқ билан бошлаб юборди дар. Улар «Главташкентстр о й»га қарашли 1-уйсозлик комбинати қурувчилари билан биргаликда Халқлар дўстлиги проспектида бунёд этилаётган тўққиз қаватли уй-жой бинолари—қурилишида. Кино уйи, Қўйлиқ ва Юнусобод массивларидаги қурилиш объектларида олган билимларини ишлаб чиқаришда синамоқдалар.

— Бу йил билим юртимизни 300 ўқувчи муваффақиятли битиради. Янги ўқув йилида эса 500 ўқувчи қабул қиламиз,— дейди билим юрти директори Ш. Муродов. — Ўқувчиларнинг пухта ва мукаммал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шу кунларда билим юрти ўқувчилари СССРнинг 60 йиллик юбилейини ўқиш ва ишда улкан ютуқлар билан кутиб олишга интилмоқдалар.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Таназзул исканжасида

Энг йирик капиталистик давлат экономика, молия ва савдо министрларининг Парижда бўлиб ўтган кенгашларида капиталистик дунё меҳнаткашларига қиматчилик ва ишсизликнинг янада ўсишида бошқа нарса ваъда қилингани йўқ.

Министрлар ўз нутқларида меҳнаткашлар эҳтиёжларини «тушунаётганликларини» таъкидлашни унутмадилар, албатта. Бирок гапдан ишга ўтганда улар, аввало, монополистик капитал манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Кенгашларда «қаттиқ тежаш» сиёсатини давом эттиришга қарор қилинди. Бу сиёсатнинг моҳияти шундаки, инфляция авж олишига қарамай, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи бир даражада сақлаб турилади, қарз эвазига тўланадиган процент эса юқори даражада қолаверади. Оқибат натижада иқтисодий танглик давом этаверади, ишсизлик янада ортади. Айни вақтда эса монополияларнинг даромади кўпаяди.

Буржуа экспертларининг фикрига қараганда, 24 энг йирик капиталистик мамлакат экономикасида аслида турғунлик давом этади. «ортиқча кишилар» сони 28 миллиондан 31 миллион кишига етади. Келажакдан маҳрум этилган 31 миллион киши. Бу — машъум буржуа «демократияси» учун шармандали айбнома эмасми!

АҚШ экономикаси таназзул ботқоғига чуқуррок ботиб бормоқда. Хатто расмий маълумотларга қараганда ҳам, мамлакатда 10,3 миллион ишсиз бор. 29 миллион киши қашшоқликда яшамоқда. Ҳукумат социал мақсадлар учун ажратиладиган маблағларни шафқатсизлик билан қамайтирмоқда.

Министрлар Париж кенгашларида аслида ана шу оғир иқтисодий аҳволдан қандай қилиб қутилиш, сурункали тус олган инфляция, ишсизлик проблемаларини ҳал этиш йўлларини топишдан ожиз эканликларини таъкидладилар. «Биз ҳатто яқин келажакдаги аҳвол манзарасини ҳам кўрсатиб бера олмаймиз», — деди Канада молия министри А. Макекен.

Капитализм бошдан кечираётган иқтисодий таназзул ғарб мамлакатларида келишмовчиликларни чуқурлаштирмоқда. Кўпгина мамлакатлар Париж кенгашларида банк ҳисоб вставкалари ва доллар қадрини ошириш сиёсати ўтказаётганлиги учун АҚШни кескин танқид қилдилар. Бу сиёсат АҚШ шерик бўлган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига путур етказмоқда. Ўз ички бозорига бошқа мамлакатлардан моллар келтирилишини чеклаган ҳолда чет эл бозорларига куч билан суқилиб киришга интилаётган Вашингтон шаънига ҳунук гаплар айтилди. АҚШнинг бундай йўли Ғарбий Европа, Япония, ривожланаётган давлатлар иқтисодий проблемаларини янада чигаллаштирмоқда. Ғарбий Европадаги мамлакатлар ўртасида ҳам капиталистик рақобат вахшиёна қонуни ҳукмрон бўлган жаҳон бозорида ана шу мамлакатлар билан Япония ўртасида ҳам келишмовчиликлар борлиги айниқса яққол кўриниб қолди.

Шунинг учун ҳам Париждаги кенгашларда ғарбнинг иқтисодий аҳволи истиқболлари тўғрисидаги нутқлар нотиқлик руҳи билан суғорилганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

Ўзбекистон — Ноқоратупроқ зонага

• Амалдаги интернационализм

ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л.И. Брежнев Ўзбекистонга учинчи Ленин орденини топшириш ва ҳурматли тантаналарда Ўзбекистоннинг Ноқоратупроқ зонага бераётган ёрдамини алоҳида таъкидлаб, шундай деди: «Бугунги Ўзбекистоннинг бутун ва ҳар бир мамлакатимиз иқтисодий ва маданий турмушига, совет халқлари дўстлигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда катта. Масалан, сизларнинг Ноқоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишдаги актив иштироки ҳақида КПСС Марказий Комитети юксак баҳолайди».

Чиндан ҳам бу юксак баҳо. Жамоатчи мухбиримиз «Узновгородводстрой» трестининг мелиоратори Ч.Узоқов билан телефон орқали боғланиб, шу кунларда ўзбекистонликларнинг олиб бораётган ишлари хусусида сўзлаб беришни сўради:

— Биз ўтмишга назар ташлар эканмиз, ҳозирги кунимизнинг сурурини яхшироқ тушунамиз, келажакка дадил боқамиз. Ҳамон кечагидек хотирамизда: етти йил муқаддам республикамиз пойтахти дастлабки қўнгилларидан тушган биринчи эшелонни Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришга юзатган эди. Шунга ҳам етти йил бўлянти. Етти йилдирки, Ўзбекистон вакиллари ўзларининг совет халқи олдидаги интернационал бурчларини сиддиқлидан бажариб, Новгород ва Иваново областлари қиёфасини тубдан ўзгартирмоқдалар. Табиийки, партиямиз томонидан ушбу регион қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан қўйилган вазифалар ҳамда бажарилиши лозим бўлган қўламдаги ишлар ҳажми нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, етти йил унча кўп вақт эмас. Бироқ, етти йил ичида анчагина буюдқорлик юмушлари бажарилди. Масалан, «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Ивановоирсовхозстрой» трести бўлинмалари фақат ўтган беш йилликнинг ўзида қариб етти минг гектар ботқоқ ерларни қуритдилар. 1320 гектар майдонда суғориш шахобчаларини барпо қилдилар. Салкам 6000 гектар ерда маданий-техникавий тадбирлар амалга оширилди, яъни ортиқча дарахтлар кесилди, буталар, илдизлар олиб ташланди. Кенг майдонлар ҳарсанг тошлардан тозаланди. Иваново областининг 6 та районида 3875 километр масофада ёпиқ тик зовурлар бунёд этилди. Бу — Ивановодан Тошкентгача бўлган масофага тенг, демакдир. Серқуёш республикамиз вакиллари беш йил ичида тўқимачилик ўлкасида 26200 квадрат метр саҳнли уй-жойлар қуриб беришди. Новгород областида амалга оширилган ва қилинаётган ишлар ҳақида ҳам ана шундай фахрланиб гапириш мумкин.

Мен ана шу чўқиларар сафида борлигимдан ғоятда хурсандман. Менга учун яна, шунисн муҳимки, бир ўзбек фарзанди сифатида Ноқоратупроқ ўлкада ўз ўрнимни топиб олдим. Эл-юрт ишига нафим тегаётганлигидан, мамлакатимиз озиқ-овқат программасининг истиқболи кўп жиҳатдан ҳал қилинаётган жойда ишлаётганлигимдан мамнунман. Тўғри, Новгородга янги келган кезларимда совуқдан чўчиганимни, онам кузатаётганда бериб юборган тўн жуда аскотганлигини баъзи-баъзида эслаб қўяман. Эндиликда буларнинг ҳаммаси ортда қолди. Биз маҳаллий аҳоли билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Улуғ рус халқининг вакиллари билан ёнма-ён ишлаб, бунёдкорлик соҳасида катта мувоффақиятлар қўлга киритмоқдамиз. Ҳозирги кунда мен «Тошкент» совхози қурилишида фаол иштирок этяпман. Келажакда қишлоқ хўжалиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшадиган улкан агросаноат комплексларидан бири бўлажак совхоз тўла фойдаланишга топширилгач, йилига 22600 тонна сабзавот, 5,5 минг тонна сут ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган бўлади.

Бугунги кунда совхознинг марказий посёлкаси гавжумлашиб қолди. У ерда кўплаб уй-жой бинолари тикланди, маданий-маиший муассасалар қурилди. Ўтган йил кузда посёлканинг шундоққина ёнида «Дўстлик» хиёбони яратдик.

Маълумки, Ўзбекистон, Белоруссия, Литва ва Қирғизистоннинг меҳнат коллективлари Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалигини янада жадалроқ ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга интилиб, 1981—1985 йиллар учун зиммаларига қўшимча мажбуриятлар олишган эди. Шунга кўра, биз, Ўзбекистон вакиллари ўн биринчи беш йилликда Иваново ва Новгород областларида 150 минг сўмлик пудрат ишларини бажаришимиз, мелиоратив ҳолати яхшиланган 65 минг гектар майдонни ўзлаштиришга топширишимиз, 100 минг квадратметрдан кўпроқ уй-жой биноларини қуриб беришимиз керак. Бизнинг бу ташаббусимизни КПСС Марказий Комитети маъқуллаган эди. Шуниси ҳаммамизга маълумки, ҳеч қачон, ҳеч бир ишда, ҳеч бир соҳада ҳеч бир ишимиз ҳеч бир ишимиз ҳеч бир ишимиз

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан

Ўзбек киноси тараққиёт босқичлари

Улуғ Ватан уруши йиллари ўзбек киноси ривожидаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Пойтахтимизга Москва, Ленинград, Киев, Одесса шаҳарларидан ончагина кино ходимлари келишди. Одесса киностудияси ҳам Тошкентга кўчирилди. Уруш йилларида Тошкентга келган совет кино санъати усталари орасида Я. Протазанов, М. Ромм, Г. Козинцев, Л. В. Трауберг, А. Зархи, Л. Луков ва бошқа кўплаб кино намоёндалари бор эди. Улар ўзбек кино ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бордилар.

Улуғ Ватан уруши ҳар соҳадагидек кино заҳматкашлари олдига ҳам янги ва улкан вазифалар қўйди. Агар илгари урушдан аввалги беш йилликлар даврида, совет киночиларининг ижодий меҳнатини экранлаштириш бўлган бўлса, Улуғ Ватан уруши куналарида фашист газандаларига қарши курашаётган совет кишиларининг қаҳрамонлиги асосий тема бўлиб қолди. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида яратилган «Жанговар киноТўплам»нинг саккизинчи (1941) ва ўн биринчи (1942) сонлари Тошкент киностудиясида яратилди. Жанговар киноТўпламнинг 11 сони учта мустақил ҳикоядан иборат бўлиб «Ўргимчаклар», «102-километр», «Лейтенант Гоппонинг мартабаси» деб аталади. Булардан биринчисида фашистларнинг ҳайвоний башаралари кўрсатилса, иккинчисида партизанларнинг фашистлар билан мардонавор жанги акс эттирилади, учинчисида кўрқоқ немис офицерининг аҳмоқона қилиқлари кулги остига олинади. Уруш йилларида қисқа метражли фильмлар ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор берилди. «Биз енгамиз», «Доҳий чақиригига жавобан», «Жанговар дўстлар» сингари қатор қисқа метражли фильмлар вужудга келди. Бу фильмларда фронт ва фронт орқасида адо этилаётган жанговар топшириқлар, хотин-қизларнинг меҳнатда кўрсатаётган қаҳрамонликлари, совет солдатларининг кўтаринки кайфиятда олиб бораётган мардонавор курашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Асрлар бўйи халқ севиб ардоқлаб келган Алпомиш, Барчин, Аваз, Гўрўғли ва бошқа халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари одамларни галабага ундовчи, мардлик ва жасоратга чорловчи образлардир. Фольклордаги кўтаринки руҳ, оптимизм кишиларни доимо руҳлантириб келганлиги сабабли, киночилар фольклор асарларининг экран талқинини излай бошладилар. Санъаткорлар жанговар фольклордан янги давр талабига жавоб беруви фильм яратишга аҳд қилдилар. Ана шу изланиш, ана шу ҳамкорлик натижасида 1943 йили биринчи ўзбек кинокомедияси пайдо бўлди. Бу «Насриддин Бухорода» бадиий фильми эди. Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти қаҳрамони Хўжа Насриддин саргузаштлари ҳақидаги латифалар Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам зўр муҳаббат ва қувонч билан тилга олинар эди. Насриддин ўша кезлари Гитлер, Гимлер, Геббельс, Розенберг каби фашист каллакесарларини ҳам тадбиркор ва қудратли душманига айланди. «Красная звезда» газетаси ўша йиллари мунтазам равишда Насриддиннинг Берлиндаги саргузаштлари ҳақида латифалар босиб чиқарар эди. Бу латифаларда халкнинг душман устидан галабага бўлган ишончи акс этиб турарди. Насриддин афанди образини экран талқинида биринчи бўлиб, Яков Протазанов яратди. Ўзбек санъаткорлари Яков Протазанов тажрибасини қўллаб-қувватладилар, унга ҳам ижодий, ҳам ташкилий жиҳатдан ёрдам бердилар. Актёрлар А. Исматов, Санъат Толипов ва Раҳим Пирмуҳамедовлар фильмдаги турли образларни яратдилар, Композитор Мухтор Ашрафий Б. Арапов билан фильмга музика бастелади. Наби Ғаниев эса иккинчи режиссёр сифатида иштирок этди. «Насриддин Бухорода» фильми дунё экранларида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, миллионлаб томошабинлар қалбини қувончларга тўлдирди, уларни адолат ва ҳаққоний сари етаклашда катта хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида киночилар масканига айланган «Ўзбекфильм» киностудиясида қардош республикаларнинг киностудиялари билан ҳамкорликда қатор фильмлар яратилди.

Улуғ Ватан уруши кезлари кинематографчилар йирик кинополотнолар яратиш учун тайёргарлик кўриш билан бир қаторда кичик ҳажмдаги фильм-новеллалар, ҳужжатли фильмлар, Совет Ватанпарварлари ҳаракатини акс эттирувчи фильмлар яратишга киришдилар. Ана шундай қилиб уруш йиллари ўзбек кино санъаткорлари учун ҳам жанговар синов бўлди. Марказий киностудиялардан «Ўзбекфильм»га келган тажрибали режиссёрлар, операторлар, драматургларга ўзбек кино санъатининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек совет кинематографчиларининг хизмати шундан иборат бўлдики, улар совет халқининг фашизмга қарши озодлик урушини тасвирлади. Совет кишиларини Ватанга муҳаббат, душманга нафрат руҳида тарбиялади, совет жангчилари, халқ ҳалоскорларининг қаҳрамонликларини улуғладилар.

Уруш йилларида яратилган чуқур реалистик киноленталар ўзбек кино санъатининг қимматли фонди бўлиб қолди. Бу фонд бугунги кунда кекса ва ёш авлодлар яратаётган янги асарлар билан янада бойиб бормоқда. Бу қимматли киноасарлар янги авлодларни ўтмишнинг қаҳрамонона традициялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Уруш йиллари ўзбек кинематографияси эришган ютуқлар ва бой тажриба «Ўзбекфильм» киностудиясининг бугунги муваффақиятларига ҳам катта замин бўлди. Тез орада очиладиган уч қитъа мамлакатлари кино арбобларининг анжуманида ҳам республикамиз экран усталари қатор янги фильмлар билан қатнашиб, ўз санъатларини намойиш этадилар.

Э. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон кино санъати музейи директори.

А. КАРИМОВ,
музей илмий ходими.

Тошкент электротехника институтида ўқиётган 2000 дан зиёд йигит ва қиз студентлар илмий жамияти ва студентлар конструкторлик бюросининг фаолиятида актив иштирок этмоқда. Олий ўқув юртида замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўнлаб лаборатория ва кабинетлар, лазер техникаси, телевизион қурилма, ҳисоблаш машинаси бор.

Ўқув жараёнида фаннинг энг сўнгги ютуқларини қўллаш маланали мутахассислар тайёрлашга ёрдам берибгина қолмай, студентларда бевосита институтнинг ўзида илмий фаолият билан шуғулланиш истагини ҳосил қилмоқда. Кўпгина юқори курс студентлари педагогларнинг раҳбарлигида тадқиқот ишларини тайёрлашда иштирок этишяпти, Ҳар йили бу ерда давлат бюджети ва хўжалик шартномаси мавзулари бўйича 40.50 минг сўмлик иш бажарилмоқда.

СУРАТДА: институтнинг рангли телевидение лабораториясида.

В. Белов фотоси. (ЎзТАГ).

Фанимиз фидойилари

УСТОЗ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Субутой Долимов 75 ёшга тўлди. У ўзининг бутун ҳаётини, фаолиятини халқ маорифи тараққиётига бағишлади. Дастлаб У—VII синфларга адабиёт тарихи ва совет адабиётидан дарс берди. Кейинчалик илмий тадқиқот ишлари билан ҳам шуғуллана бошлади. 1934 йил Х. Қаюмов билан ҳамкорликда V-синф учун грамматика китобини тузиб, нашр эттирди. 1925 йилдан 1936 йилга қадар «Шамсул—ирфон» мактабида ишлади. Лангар маҳалласида жойлашган бу мактаб ўз даврида шаҳардаги пешқадам мактабларидан бири ҳисобланарди.

— Ўқитувчилик ажойиб касб. Мен ўқитувчиликни санъаткорликка ўхшатаман, —дейди С. Долимов. —Негаки, яхши ҳофиз ёқимли мақоми билан тингловчиларни ўзига жалб этади. Ҳамма завқ билан тингласа, ҳофизнинг ўзи ҳам ҳузур қилади, айтган мақоми ҳам юракларга қучли таъсир этади. Ўқитувчи, хусусан она тили ва адабиёт ўқитувчиси ажойиб тил билан, нозик, гўзал, пухта нутқ билан дарс берса, синфдаги болаларнинг диққатини ўзига жалб этади. Бундай дарсдан болалар завқланади, ўқувчининг завқи эса ўқитувчига ҳузур бағишлайди.

У 1935 йилдан 1943 йилгача ишчилар университетида ҳам дарс берди. Шу йиллар орасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил олди ва уни муваффақиятли тамомлади.

Субутой Долимов ўзбек адабиёти, хусусан унинг тарихи устида тадқиқотлар олиб борди. Рус ва Ғарбий Европа олимлари, Шарқ олимларининг ўзбек адабиёти масаласига қарашлари, хусусан А. Навоий, Огаҳий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ойбек каби ёзувчиларнинг ижоди олимнинг диққат марказида бўлди. У 1943 йилдан 1953 йилларда Тошкент педагогика илмий-текшириш институтида ўзбек тили ва адабиёти секторига раҳбарлик қилди. Масъулиятли вазифани ўташ билан бирга Тошкент Давлат университетида адабиёт ўқитиш методикасидан лекциялар ўқиб турди.

Субутой Долимов 1957 йилдан буён Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг ўзбек классик адабиёти кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

60-йиллардан бошлаб Субутой Долимов ижодий фаолияти тез кўламда ривожланди. У ўзбек классик адабиёти масалаларига, ўқитиш методикасига, текстологияга бағишланган қатор илмий мақолалар эълон қилди. 1962 йилда «Муҳаммадриза Огаҳий қаёти ва ижоди» темасида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Бу олимнинг совет адабиёти ва ўзбек классик адабиёти тараққиётига қўшган улкан ҳиссасидир. Кейинчалик профессор Ғулом Каримов билан ҳамкорликда Огаҳий танланган асарларининг 6 томлик нашрини тайёрлашда катта меҳнат қилди.

Субутой Долимов илмий тадқиқот иши билан педагоглик ишини бирга олиб борди. У 55 йил педагог олим сифатида меҳнат қилиб қанчадан-қанча ўқитувчи кадрлар, илмий ходимлар тайёрлади. Бу даврлар ичида ўрта мактаб-адабиёт программаларини тузди.

Субутой Долимов ўзининг кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолиятини Ватанига, халқига бағишлади. Бу меҳнати эвазига халқ ҳурматига, муҳлислар ташаккурига сазовор бўлмоқда.

Муҳтарам домламиз Субутой Долимович Долимов чиндан ҳам бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Фарзандлари олий маълумотли, улардан кўпчилиги фан кандидатларидир.

Санда НАРЗУЛЛАЕВА,
Лола МАҚСУМОВА,
филология фанлари кандидатлари.

• Олий ўқув юртларида

Билимлар синови

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида анъанавий «Студент ва фан-техника тараққиёти» мавзуида Бутуниттифоқ олимпиадасининг чет тиллари бўйича республика олимпиадаси бошланди. Олимпиада ВЛКСМ XIX съезди ва СССР-нинг 60 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилмоқда.

Чет тиллари бўйича республика олимпиадасига бу сафар Ўзбекистоннинг инглиз, немис ва француз тилларидан ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг, Ҳамид Олимжон номли Самарқанд Давлат университетининг, Нукус Давлат университетининг чет тиллари факультетлари ҳамда 9 та педагогика олий ўқув юртларининг чет тиллари факультетларидан 80 та яқин студент келди.

Олимпиадани институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Ғ. Абдурахмонов кириш сўзи билан очди ва студентларга муваффақиятлар тилади.

Олимпиадани ўтказишдан мақсад студентларнинг чет тилларини ўрганишга қизиқишларини янада ошириш ва олий ўқув юртларида чет тили фанининг ҳозирги замон талаблари асосида кандай савияда олиб борилаётганини аниқлашдан иборатдир.

К. ЖУМАНИЕЗОВ.

Қизғин мушоира

Куни кеча Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида шоирлар билан учрашув бўлиб ўтди. СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллигига бағишланган бу мушоира оқсоли мукофотининг лауреатлари Омон Матжон, Гулчеҳра Нурулаева ва шоира Нилуфар ташриф буюрдилар.

Мушоирани институт партия комитетининг секретари, доцент З. Мақсудов олиб борди.

Кечада шоирлар ўзларининг янги ёзган шеърларидан ўқиб эшиттирдилар. Шунингдек, студентларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Х. ХУШМАТОВ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Саҳнада Мари артистлари

Йошкар-оладан келган қўғирчоқ театри Ўзбекистондаги гастролларини ёш наманганликларга аталган спектакль билан тугаллади. Театр артистлари Д. Харрис асари бўйича «Римус тоғанинг эртаклари» ва «Тойчоқ» асари бўйича саҳналаштирилган постановкаларни кўрсатдилар. Ижодкор коллектив республика кичкинтойлари ҳузуридаги бу йилги постановкаларини ўз фаолиятининг 40 йиллигига бағишлади.

Советлар мамлакати юбилейига бағишлаб

Маҳаллий санъат мактабининг ўқувчилари ва ўқитувчилари андижонликларга СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига яратилган қуйлардан тузилган байрам гулдастасини тақдим этишди. Концертда мамлакат қардош республикалари композиторларининг совет халқлари бузилмас дўстлигини, тинч бунёдкорлик меҳнатини шарафловчи асарлари янгради, совет кишиларининг жангозаб ва меҳнат жасоратини намойиш бўлган хореографик композициялар ижро этилди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар кўргазмаси

Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида ташкил этилган А. В. Ларина шогирдлари асарларининг виставкасида литография ва плакатлар, акварель ва сатирик расмлар қўйилган. Антонина Васильевна бир неча ўн йиллардан буён маҳаллий пионерлар уйининг тасвирий санъат студиясига раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг кўплаб шогирдлари профессионал рассом бўлиб етишди. Лекин асосий шогирдлар қаерда ва ким бўлиб ишлашмасин, ижоднинг нафосат дунёсига ихлос қўйишди.

Экспозицияга педагог Антонина Васильевна Ларинанинг ҳам акварель асарлари қўйилган.

(ЎзТАГ).

Муҳим тадқиқот

ТАҚРИЗ

Ойбек Алишер Навоий ижодини ўрганишга киришганда ҳали буюк шоир ижодига оид танқидий асарлар етарли бўлмагани каби, шоирнинг ҳаёти ва унинг сиёсат, адабиёт, илм ва санъат соҳасидаги фаолиятини тасвир этувчи асар ҳам ёзилгини айтган эди. Ўтган 50 йил давомида Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида юзлаб асарлар яратилди. Бу асарлар эндиликда улкан навоийшунослик мактаби ва унинг забардест олимлари мавжудлигини, уларнинг тинимсиз изланишида эканлигини кўрсатади.

Навоий мухлислари яқиндан навоийшунослик мактабининг яна бир мажмуаси билан таништирдилар. «Навоий ва ижод сабоқлари» китоби шоир туғилган кунининг 540 йиллигига ва Навоий илмий меросини ўрганишга бағишлаб ўтказиладиган анъанавий илмий конференциянинг бошланганига 25 йил тўлиши муносабати билан 1981 йили «Фан» нашриётида чоп этилди. Китобда Навоий ижодиётининг маҳорат сирлари, «Хамса» ва ундаги ижобий қаҳрамонлар характерининг баъзи томонлари, расмий девонларга кирмаган лирик шеърлари ҳамда Навоийнинг бошқа ижодкорларга таъсири масалалари таҳлил этилган.

Маълумки, Алишер Навоий ижодида инсон ва унинг тақдири, халқ ва унинг манфаатлари марказий масала ҳисобланади. Мажмуадаги атоқли олимларимиз В. Зоҳидов ва Ҳ. Ёқубовларнинг мақолалари ҳам ўқувчини шоирнинг гуманистик оламига олиб киради. Улар XV аср жаҳолатига қарши илғор фикрлари, орзу-идеалларини, қувонч ва изтироблари, чуқур руҳий кечиналарининг ранг-баранг товланишини акс эттирувчи тадқиқот сифатида муҳимдир. Бир қарашда мавзу (Навоий гуманизми, даврдан нолиш, инсонпарварлик) номли мақолалар ҳам илмий савиясининг юксаклиги, айтмоқчи бўлган фикрнинг муҳимлиги ва китобхонни шоирнинг тенгсиз маҳорат лабораториясига олиб кириши билан алоҳида ажралиб туради.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ижоди бўйича илмий изланишларни давом эттириб, шоир ғазалларининг бир туркуми — орифонинг қаҳрамонлари ўзларининг илғор идеаллари (интернационализм, муҳаббат, дўстлик, инсонпарварлик) билан бугунги кун учун ҳам нақадар қимматли эканлиги таъкидланади.

Олим Эргашали Шодиев «Алишер Навоий ва Хўжанд шоирлари» мақоласида XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган, Навоийни ўзига устоз деб билган, унга эргашиб ижод этган Хўжандлик шоир Нозил Хўжандий, шоира Муаззамхон ижодида Навоий анъаналари, шоира Маҳзуна қўқонлик бўлиб, асл исми Меҳрибон эканлиги каби аниқ маълумот берилган. Яна аҳамиятлиси — ҳали тожик адабиётшунослигига номаълум бўлган XIX аср охири XX асрнинг бошларида яшаб, ижод этган шоир Мухлис Хўжандийнинг нодир қўлёзмаси ва унда Муҳаммад Солиҳнинг икки янги ғазали. Подшохўжанинг тожик тилидаги достони мавжудлиги ҳақидаги янги фактлардир.

Мақсуд Шайхзоданинг «Албатта» Навоий Бобирсиз Навоий бўлиб қолади, лекин Бобирни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин», — деган фикри «Анъана ва маҳорат» номли мақолада ўрнили келтирилган. Филология фанлари кандидати Иброҳим Ҳаққулов Навоий ва Бобир рубоийлари асосида ёзилган бу мақоласида юқоридаги фикрни асослайди. Отаиш шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг рубоий жанрида катта муваффақият қозонишида Навоийнинг роли, Бобир рубоийларининг ўзига хос хусусияти теран мушоҳада билан ўрганиб чиқилган. Мақолада, асосан, икки улуг шоир рубоийларининг шакл ва мазмун яқинлиги. Бобирдаги такрор маъно ва оҳанглар устида алоҳида сўз юритилади.

Навоий ўзидан олдинги ва ўзи билан замондош бўлган сўз усталаридан тинимсиз ўрганди. Бироқ, ижодда унинг ўзига хослиги, оригиналлиги беқиёсдир! Мақсуд Шайхзода Навоийни «Газал мулкининг султони!» деб бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам шоирнинг ўз салафлари ва ўзидан кейинги ижодкорларга таъсири ниҳоясидир. Улар шоир билан замондош бўлишмасин, ёҳуд шоирдан неча аср кейин ижод қилишмасин ундан ўрганишлар, ўзларига устоз деб билдилар. Навоийдан кейин яшаган ҳар бир ижодкор ундан таъсирланганлиги, унга эргашганлиги шубҳасиздир. Олимларимиз Навоийнинг бошқа ижодкорларга таъсирини жуда кўп қайд қилганлар. Китобдаги бошқа бир қанча мақолалар ҳам шу нуқтан назардан ёритилиши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

Суйима Ғаниева Навоий ижоди бўйича қатор тадқиқотлари билан Навоий мухлисларига таниш. Китобда унинг кам ўрганилган «Муншоот» асари бўйича тадқиқоти берилган. Олима «Муншоот»нинг баҳияти, тематикаси, услуби ҳақида фикр юритиб, шоир маҳорати бошқа жиҳатдан ҳам беназир эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Алишер Навоийнинг сермаҳсул ижоди XIX асрдан бошлаб рус ва бошқа кўпгина чет эл шарқшунослари нинг диққатини жалб қилганлиги маълум. Хозирги кунда фақат Ўзбекистонда эмас, қардош қозоқ, тожик, озарбайжон олимларининг, чет эл шарқшунослари нинг Навоий ижодини қизиқиш билан, жиддий ўрганишлари, навоийшунослик фанининг кенг тармоқли эканлигини кўрсатади.

Маҳмуада озарбайжонлик олима Жаннатхоним Нагиеванинг ўз мақоласи билан иштирок этиши фикримизнинг далилидир. Олима «Ҳамса»нинг Боку қўлёзмаси, унинг Тошкент нашри билан таништиради. Навбатдаги нашр учун Боку қўлёзмасини намунали деб топади. Қардошларимизнинг бундай изланишлари навоийшунослик фанига катта ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.

Китобдаги «Навоий лирикасининг баъзи масалалари» ва «Навоий лирикасида композицион-стилистик санъатлар» номли мақолалар ҳам илмий савиясининг юксаклиги, айтмоқчи бўлган фикрнинг муҳимлиги ва китобхонни шоирнинг тенгсиз маҳорат лабораториясига олиб кириши билан алоҳида ажралиб туради.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ижоди бўйича илмий изланишларни давом эттириб, шоир ғазалларининг бир туркуми — орифонларнинг қудрати салкам беш ярим асрдан буён инсон маънавий оламини бойитиб, унинг қалбини тўлқинлантириб туганмаслиги. Шу маънода қўлимиздаги тўплам ҳам кейинги вақтда навоийшунослик фанида эришилган катта ютуқ ҳисобланади.

Тўпламдаги кўпчилик мақолалар Навоийнинг бошқа санъаткорларга таъсири масаласи ва кўпроқ ўша санъаткорлар билан боғлиқдир. Бирок, ижодий маҳоратнинг ёритишга ҳам қаратилган. Бизнингча, бугунги кунда навоийшунослик фани учун ғоят зарур, жиддий ишлар ва Навоийнинг бошқа санъаткорларга таъсири бўйича тадқиқотлар туркумларга ажратилган ҳолда нашр этилса айни муддао бўлур эди.

М. УМАРОВА.

КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

«Планета кишилари, тингланг!», «Бирга олиб кет», «Баҳор мавжи» — бу қўшиқлар Фарғона областида ниҳоясига етган сиёсий қўшиқлар конкурсида биринчи маротаба ижро этилди. Қўқон химиклари маданият саройининг «Карат» вокал-чолғу ансамбли раҳбари Александр Саркисов бу қўшиқларнинг муаллифидир. Қардош совет республикаларининг кўлгина композиторлари, чет элдаги тараққиёпарвар авторларнинг асарлари эўр муваффақият билан ижро этилди.

Конкурс лауреатлари орасида Қувасой фабрикасининг хори, Фарғонадаги 1-маданият уйи «Қизил чиннигул» вокал-ансамбли бор.

Сиёсий қўшиқлар конкурслари Ўзбекистоннинг бошқа областларида ҳам ўтказилди.

(ЎзТАГ).

Шаҳримиздаги маданият институтида студентлар бадиий ҳаваскорлик коллективлари мунтазам машғулотлар олиб бормоқда. Улар тез-тез концертлар бериб туришади, ўз репертуарларини янги, ранг-баранг куй ва қўшиқлар билан бойитадилар. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари репертуаридан СССР ва жаҳон халқларининг рақс ва қўшиқлари кенг ўрин олган.

СУРАТДА: студентлар бадиий ҳаваскорлик коллективининг аъзолари янги куй машқ қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ОЛИМЛАР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Агрохимиклар учун қўлланма.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрохимия институтида Ўзбекистон тупроғи микроэлемент таркибини кўп йиллик тадқиқ қилиш натижалари умумлаштирилди. Муфассал тупроқ карталари тузилди. Бу агрохимия хизмати мутахассислари учун ўзига хос қўлланмадир. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, республикадаги суғориладиган ерларнинг 800 минг гектарга яқини мис, руҳ, молибден билан бойитишга муҳтождир, яна тахминан шунча майдондаги тупроқда мавжуд марганец етишмаслиги сезилмоқда.

Ўтказилган изланишлар асосида пухта тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсиялар деҳқонларгагина эмас, шу билан бирга микроэлемент қўшимчалари бўлган минерал ўғит ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналарнинг химикларига ҳам юборилди. Бундай ўғитларнинг самарали эканлигини практика тасдиқлади. Мис қўшимчаси бўлган аммофосдан фойдаланиш ҳар йили ҳалқ хўжалигига икки ярим-уч миллион сўмлик иқтисодий самара беради. Бундай аммофос бир неча йиллардан бери Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсидаги микроэлементлар кам бўлган тупроқда қўлланилмоқда.

(ЎзТАГ).

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. БОТИРОВ: Менга Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган кишиларга қандай имтиёзлар берилиши ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланганларнинг ҳуқуқлари СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 18 январдаги Фармони билан тасдиқланган. Низомда белгиланган. Меҳнат Шуҳрати ордени бир корхона, ташкилот, колхоз ёки совхозда узоқ йиллар фидокорлик билан юксак унумли меҳнат қилганликлари учун саноат, транспорт, қурилиш ишчиларини ва шу тармоқнинг ишлаб чиқариш мастерларини, колхозчиларни ва қишлоқ хўжалиги ишчиларини мукофотлаш учун таъсис қилинган. Мукофотлаш мунтазам суратда бўлиб, III даражали, II даражали ва олий I даражали орден билан мукофотланади. Учала даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланганларга имтиёзлар берилади —улар пенсияларини 15 процент ошириш, белгиланган нормаларга мувофиқ уй-жой майдони билан биринчи навбатда таъминланиш, санаторий ёки дам олиш уйларига (йилига бир марта) бепул путёвкалар олиш ҳуқуқига, йилига бир марта темир йўл, сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида шахсан бепул юриш (бориш ва қайтиш) ҳуқуқига эга бўладилар ва ҳоказ.

* * *

Ш. ҚОДИРОВ: Совет Армияси сафидаги хизматимни ўтаб келдим. Энди Ички ишлар органларида ишлаш ниятидаман. Шу масалада қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Бунинг учун СССР Ички ишлар министрлигининг ўрта ёки олий милиция мактабида ўқишингиз лозим. Тошкентда ана шундай милиция мактаблари мавжуд. Бу мактаблар Навоий кўчасидаги 9-«а» уйда жойлашган. Бу мактабларга асосан Сизга ўхшаб Совет Армияси сафидаги хизматлан қайтган йигитлар қабул қилинади.

* * *

Б. ЛАТИПОВ: Ишчи ёки хизматчи вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганда унга нималидлик белгиланадими?

Жавоб: Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик — соғлиғига кўра нисбатан қисқа муддат давомида ишни бажара олмасликдир. Меҳнат қобилияти муттасил йўқолиб, беморнинг меҳнат фаолиятини умуман ёки узоқ муддатга тўхтатишга ёҳуд меҳнат шароитларини жиддий ўзгартиришга олиб келган тақдирда, инвалидлик белгиланади.

Меҳнаткашларни н г вақтинча меҳнатга қобилиятсизлигини экспертиза қилиш соғлиқни сақлаш муассасаларида врач ёки врачлар комиссияси томонидан амалга оширилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик касаллик варақаси билан (айрим қонунларда кўрсатилган ҳолларда эса — даволаш-профилактика муассасасининг справкаси билан) тасдиқланади.

Касаллик ёки майиблик орқасида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ёҳуд протезлаш учун протез-ортопедик корхона стационарига жойлаштирилган ходимлар социал страхование маблағлари ҳисобидан нафақа билан таъминланадилар. Меҳнатга қобилиятли ишчи ва хизматчилар санаторий-курортларда даволаниш учун юборилган, оилаларнинг касал аъзосини парваришлаш қилиш заруратида туфайли ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилинган ҳолларда, карантин вақтида ҳам шу маблағлар ҳисобидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар тўлаш белгиланган.

Иззатингдан айрилма

МУҲАББАТ РИШТАСИ УЗИЛМАСИН

«Улар барча ёшлар қатори севиб-севилиб турмуш қуришди. Қовушгунча йигит—Мажнун, қиз—Лайли савдосини бошдан кечирди. Ўшанда ўтли севги оташида қовриліб кул бўлишга ҳам тайёр турган бу ошиқ-маъшуқлар орадан икки йил ўтмай хатто қўриқ суяк-ни ҳам бир-бирларига раво кўрмайдиган бўлиб қолишди. Нега бундай бўлди? Бу икки ёш наздида мустаҳкам боғланган муҳаббат ришталари нега бунчалар тез узилди? Бу саволларга жавоб беришдан аввал куёв ва келиннинг таржимаи ҳоли билан қисқача таништирай.

Эр республикамиздаги олий санъат даргоҳларидан бирини битирган. Ўз санъати билан кўплаб томошабинлар ҳурмат ва эътиборини қозонган. Мухлислар даврасида айтгани айтган, деганг деган.

Хотин ҳам олий маълумотли. Тошкент транспорт инженерлари институтининг собиқ талабаси. Дипломини қўлига олиш биланоқ ўз мутахассислигини савдо соҳаси билан алмаштирган «билимдон».

Эр-хотининг қўмишлилигини ҳисобга олиб, ҳамда улар тезда тўғри йўлни танлаб олар деган умидда уларнинг исм ва фамилияларини тўлиқ келтирмадик.

Ўша куни хотин ишдан кеч қайтди. Эрининг сўроқларига узуқ-юлуқ жавоб қайтарди. У ҳаётидан норози, ўз ишидан кўнгли тўлмасди. Кейин эрига қайнонаси устидан шикоят қила-кетди:

— Бу қанақаси ўзи, —деди у чимирилиб. —Менинг эрим ким ўзи, сизми ёки у кишими? Қачон қарасанг мингир-мингир.

Эр-хотин ўртасида бўлиб ўтган ана шу суҳбат жанжалга айланди. Икки ёшни муросага келтириш мақсадида бечора қайнона елиб-югурди. Лекин унинг барча уринишлари зое кетди. Келин тоора аяв олди. Бегуноҳ қайнонани жеркиб ташлади. Эрталаб эр ишга кетиш олдидан у шундай деди:

— Жонимга тегди бундай турмуш. Бу ўйдан кетаман.

Эр ҳангу-манг бўлиб қолди.

— Жини бўлдингизми? Онамнинг айби нима ўзи?

— Наҳот кўра била туриб кўз юмасиз? Ишдан кеч келасан, эрталаб кеч турасан деб ҳарҳаша қилгани-қилган.

— Бу гапнинг нимаси ёмон. Чиндан ҳам ишдан кўпинча алламаҳалда қайтасиз. Сўрасам гоҳ мажлисни, гоҳ дугоналарингиз билан кўрган кинони баҳона қиласиз. Кечки овқатни эса ойим тайёрлайди. Эрталаб турасиз-у ишга жўнайсиз. Ким айтди сизни тушунган аёл деб. Онамиз нимани деган бўлса бизнинг тақдиримизни ўйлаб гапиради. Ахир ҳеч қайси она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди-ку.

Эрнинг ўрақдан куюниб айтган гапини хотин эътиборсиз тинглада-да, қатъий қилиб шундай деди:

— Кетаман, бошқа гап йўқ.

У сўзидан қайтмади. Ўша куни кийниб чиқиб кетганича қайтиб уйга келмади.

Ўртада икки гулдек бола сарсон-ну-саргардон бўлиб қолди. Ҳозиргача улар ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини билмай юрибди. Фарзандлар тарбияси билан эса на ота, на она қизиқади. Бу нарса эса маҳалладошларни, таниш-билишларни тобора ташвишга солмоқда».

Газетхон К. Раҳимовнинг ушбу хати бизни анча ўйлантириб қўйди. Биз бу икки ёшга насиҳат қилмоқчи эмасмиз, албатта. Улар бунга муҳтож ҳам эмас. Чунки, оқ-қорани таниган, ўқимишли кишиларга ақл ўргатишнинг зарурати йўқ. Биз шу ўринда икки кичик ҳаётий лавҳа келтирмоқчимиз холос. Улардаги воқеалар тўғри йўлдан адашган бу икки ёшга сабоқ бўлса, уларни инсофга чақирса, фарзанд ва оила тақдири ҳақида ўйлантирса деган ниятда келтирдик бу лавҳаларни.

...Хосият хола бизнинг ён қўшнимиз. Маҳалладошлар ҳолининг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олишади. Чунки хола ҳаётнинг аччиқ-чучугини керагидан ортиқча тотиб курганлардан.

Унинг эри Мусавой ака урушга кетганида Хосият опа бир ойлик келин экан. Эридан қолган ёдгорлик — ўғли Фарғод туғилганида у эндигина йигирма баҳорни кўрган эди. Уруш-уруш экан. Мусавой ака ҳалок бўлибди. Эридан қора хат келганида Хосият опанинг бутун дунёси қоронғу бўлибди. Учкеча-ю-учкундуз бир ўзи ёлғиз уйга кириб олиб аза тутиоди. Шундан кейин кўзига сира ёш келмай қўйибди. Таъзияга келган аёллар уни қучоқлаб «ув» тортиб оламни бузишса ҳам, Хосият опа йиғламасмиш. Фақат бир сўзни тинимсиз такрорларминш: «Сен ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди» дея икки елкаси титраб, аъзои-бадани қақшаб, дармонсизланиб ўтириб қоларминш. Опа айрилиқ азобига чидайолмай узоқ ётиб қолибди.

Мусавой аканинг йили ўтгач, Хосият опа қолхозга ишга чиқиб кетибди. Аламини меҳнатдан олибди. Баъзи қиз-жувонлар ҳазил-ҳузул қилишса у «Мен икки норма ишлашим керак, ҳам ўзим, ҳам эрим учун» деркан.

Орадан йиллар ўтгач, Мусавойнинг ота-онаси ўз қизларидек бўлиб қолган Хосиятни турмушга бермоқчи бўлишибди. Шунда Хосият уларга қараб шундай дебди:

— Отажон-онажон, наҳотки уйингизга сигмай қолган бўлсам? Наҳотки, кўзингизнинг оқу-қораси, яккаю-ягона ўғлингиздан қолган ёдгорингиз — набирангиз тақдирини бегона бир аркак қўлига ишониб топширмоқчи бўлсангиз? Йўқ. Ҳаёт эканман, ҳеч қачон бундай қабиҳликка бормайман. Ўғлингизнинг қайноқ муҳаббатини асло унутолмайман. Менга биргина ана шу муҳаббатнинг ўзи кифоя.

Келиннинг бу сўзини эшитган қайната ва қайнона йиғлаб юборишибди. Хосиятдан кечирим сўрашибди. Иккичи бу ҳақда унга оғиз очмасликка қарор қилишибди.

Келин ҳақиқатан садоқатли чиқди. Эрининг ота-онаси ҳурматини жойига қўйди. Қайнона ва қайнота вақти соати етиб оламдан ўтишганда, Хосият ҳам ўғил, ҳам қиз бўлиб уларни иззат-икром билан дафн этди.

Ҳалол меҳнат Хосият опани эъзозлади. У ҳисобчи бўлди, бригадир бўлди, ниҳоят колхоз партия ташкилоти секретарлигига сайланди. Ўғли Фарҳодни қишлоқ хўжалиги институтини тугатгач уйлантирди. Ўша кезлардаги онанинг қувончини айтмайсизми?

Бироқ Хосият опанинг пешонаси шўр экан. Ўғли Фарҳоджон машина аварияси туфайли ҳаётдан кўз юмди. Опа ёлғиз келини Севара билан қолди.

«Ўхшатмагунча — учратмас» деганлари рост экан. Севара ҳам Хосият опанинг йўлини тутди. Бошқа турмуш қурмади.

Бу қайнана-келининг муҳаббати ва оилага садоқати тезда маҳалладошлар тилига тушди. Одамлар ундан ибрат оладиган, қайнона ва келинга ҳавас билан тикиладиган бўлишди.

...Тунов куни автобусда кетаётган эдим. Мен билан бир ўриндиқда ўтирган бир қиз ҳозирги бекатда чиққан дугонаси билан қучоқлаша кетди.

— Вой Маҳбу, бормисан?

— Ўзингмисан Раъно?

— Очилиб кетибсан. Поччам яхши йигитга ўхшайди.

— Ҳе, ўлсин, — деди қўл силтаб Маҳбуба.

— Нега? Нимага? Уришиб қолдиларингми?

— Ажралишдик.

— Вой, нималар деяпсан Маҳбуба, бир ой бўлмасдан-а?—тааччуб билан сўради Раъно. —Ахир уни ўзинг севардинг-ку.

— Онаси ўлгур ёмонлигини мен қаёқдан билай. Эрталаб барвақт турилган уйда фариштa бўлармиш. Келин-келиндек бўлиши керак эмиш. Уйда бошимга рўмол ўраб юришим керакмиш. Эшикдан ким келса салом берармишман. Кечқурун, албатта қозон-товоқни ювиб қўйишим керакмиш. Хуллас, ҳаммаси жонимдан басил қилиб ташлади. Қургур онаси билан уришиб қолдим. Ўша куни масалани ҳал қилдим-қўйдим. Эримга «Ё мени денг, ё онангизни» десам у нуқул ҳиринглаб кулиб «Ҳам онамни, ҳам сизни дейман» дейди. «Бўлмаса бор онанг билан қўшмозор бўл», дедим-да хайр-маъзур қилиб уйга жўнадим.

Дугоналар навбатдаги бекатда автобусдан тушиб қолишди. Лекин уларнинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Аниқроғи ўз ҳаётига енгил-елпи қараётган Маҳбубанинг гапи мени ҳайратга солди.

Ҳали келинлик либосини ечмай туриб, оила, ўзи севиб кўнгил берган эрининг бахридан ўтиш уни заррача ташвишлантирмаётганлигига ажабланасан киши! Наҳот тўй оқшомида айтилган ота-оналарнинг табаррук сўзлари, энг яқин дўстлар табриги ҳали қулоқлар остидан кетмай туриб, бир вақтлар бутун қалби билан интилган хонадонни тарк этиш бу аёл учун шунчалик арзимаган иш бўлса?! Наҳот унинг аёллик ғурури шунга йўл қўйса? Хўш, у энди нима қилмоқчи? Ўзи истаган «рисоладаги» қайнана ва эрни қаердан топмоқчи?

Очиғини айтганда, қайнана айтган ўша гапларнинг ҳаммаси тўғри-ку. Эрталаб барвақт эшиги очилган уйда ҳамма вақт файз бўлиши аниқ. Хўш, келин уйда рўмол ўраб юришининг нимаси ёмон? Эшикдан кириб келган одамга салом бермаслик эса, бу бориб турган нодонлик, андишасизлик. Қозон-товоқни кечқурун ювиб қўйишни хаёлига келтирмаган келин, қанақа келин ўзи? Хуллас, муштипар қайнананинг ҳаммасини айтган гаплари тўғри. Уни ножўяликка олган Маҳбубахон қаттиқ янглишади. Ким билсин, ҳали орадан анча вақт ўтар, Маҳбубахон оила қуриб қайнана ҳам бўлар, ишончимиз комилки ана ўшанда қилмишидан афсусланиб ўз-ўзини лаънатлайди. Лекин унда вақт ўтган бўлади. Ешликнинг қадрига етмагани, биринчи турмушидан ноўрин ажрагани унинг қалбида шундай бир ўчмас из қолдирадики, бу из унинг юрагини умр бўйи тирнаб ўтади.

Шу ўринда биз мақола бошида газетхон К. Раҳимов тилга олиб ўтган аёлга ҳам ана шу гапни айтмоқчимиз. Ҳали ҳам кеч эмас, у танлаган нотўғри йўлидан қайтиши, фарзандлари тақдирини ўйламоғи керак. Қийғир йўл билан топилаётган ҳавои пул кимни яхшиликка олиб борибдики, унга вафо қилсин? Бунинг устига ота-онанинг бу бемаъни ҳатти-ҳаракати фарзандлар келажаги учун салбий таъсир қилмайди деб ким айта олади? Ота-она меҳрига қонмаган, унинг ширин суҳбатларидан баҳраманд бўлмаган фарзанд ҳаётдан ўз ўрнини тўла-тўкис топа олмайди.

Ҳозирча сув чайқалди холос. Уни лойқалатмай тинитиб олиш икки ёшнинг қалб амрига боғлиқ, токи муҳаббат ришталари узилмасин.

М. КОМИЛЖОНОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

САЛҚИН ЁЗ ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ ОРЗУСИДИР

БАЛКИ БУ ЧИНДАН ҲАМ ҲАҚИҚАТДИР!



«Кичкинтаккина масканда» — ўз квартирангиз ёки хизмат хонангизда биз ҳозирдаёқ «буюртма бўйича мутаносиб иқлим» ярата оламиз.

Орзунинг амалга ошиши—бир қадар: «БК—1500» кондиционерини харид этишингиз билан Сизнинг уйингизда орзудаги салқинлик ҳукм сурабошлайди. Бу ҳол Сизга бардамлик, меҳнат қобилияти, кўтаринки кайфият ҳадя этади.

КОНДИЦИОНЕР НИМАЛАРГА «ҚОДИР»?

У фақатгина ҳавони салқинлантириб бериш муаммосинигина ҳал этиб қолмайди, у ҳавони 8—10 даражагача совутиб бериш билан бирга, буюрилган ҳарорат режимини автоматик равишда сақлаб ҳам туради, ҳаводаги ортиқча намликни бартараф этади, ҳаво оқимининг ҳаракат тезлиги ва йўналишини ўзгартиради, ҳавони чангдан тозалайди, хона ҳавосини ташқи соф ҳаво билан алмаштириб туради.

«БК—1500» кондиционери — бу кучли вентиляцион система бўлиб, фильтрлаш қурилмасига эга. У ҳаво тозалагичлар сингари ёқимсиз ҳидларни бартараф этади, чала ёнган газ ва ёнилғи ҳўқотади, ҳавони аэрозоль, ис, тамаки тутунидан ифлосланишлардан тозалайди. Буғ ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади, мебель, партьерлар, деворлар, шифтларни тоза ҳолда сақлайди.

БК—1500 кондиционери ротацион типдаги компрессор билан жиҳозланган бўлиб, деярли товушсиз ишлайди. У кам жой олиши билан (дераза кесакисига ўрнатилади) хона кўринишига жуда ўтиришиб тушади.

Кондиционер 220 вольт кучланишли электр тармоғидан озиқланади.

Кондиционернинг баҳоси — 325 сўм.

Кондиционерни тайёрловчи Боку рўзғор кондиционерлари заводи унинг магазинидан сотиб олинган кундан эътиборан икки йил мобайнида нуқсонсиз ишлашга кафолот беради.

БК—1500 кондиционери Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган.

БК—1500 КОНДИЦИОНЕРЛАРИ УЧУН СИЗЛАРНИ ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Фрунзе савдо маркази.
«Чилонзор» савдо маркази.
«Ташхозторг».
Ўзбекистон реклама агентлиги.

ГРАЖДАНЛАР

Стол устига қўйиладиган, 5 литрли газ баллони бўлган икки комфорли газ плиталаридан ҳавф-хатарсиз фойдаланишлик учун рузғорда, шунингдек шаҳардан ташқарига сайрга чиққанда ундан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомалада бўлиш лозим.

Айниқса, «БАЛТИКА» босим регуляторини баллон клапанига кийгизишда жуда эҳтиёткор бўлиш керак.

Регулятор баллонга мустаҳкам кийдирилган бўлиши ва ундан газ чиқиб турмаслиги лозим. Агарда головка юқорига кўтарилмаса, демак у баллон клапанига тўғри кийдирилган. Головканинг яхши кийдирилган-кийдирилмаганини текшириб кўриш учун совун кўпигидан фойдаланиш керак.

Баллонни иссиқлик манбаи (гулхан, қуёш нури, электр иситиш асбоблари ва бошқалар) манбаларидан узоқ-узоқ ерга жойлаштириш лозим, чунки акс ҳолда баллон қизиши ва оқибатда портлаш ва ёнғин чиқиш ҳавфини туғдириш мумкин.

ПОРТЛАШ, ЕНҒИН ЧИҚИШ, ИС ТЕГИШ ВА ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШЛИК УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ:

газ чиқаётгани ёки чиқмаётганини ўт билан текшириб кўриш;
баллонларни жамоат транспортида ташиш;
газ баллонининг қизишига йўл қўйиш;
болалар ва маҳсус инструктаждан ўтмаган шахсларга газдан фойдаланишда руҳсат этиш.

Газ исини сезган заҳотингиз газ асбобларидан фойдаланишни дарҳол тўхтатинг, ҳамма газ кранларини маҳкамлаб беркитинг, ўт ёқманг, электр ёритиш асобларини ёқманг ва ўчирманг, хонани яхшилаб шабадалатинг ва қуйидаги телефонлар орқали уйга авария хизматини чақиринг: «04», 55-44-27, 55-44-29, 53-56-19, 53-56-31.

ГАЗ ВА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА ҚАТТИҚ РИОЯ ЭТИНГ!

«ТАШГАЗ».

СССР Темир йўллар министрлигининг

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

1982—83 ўқув йилига қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз-хўжалиги; ҳаракатдаги салқин состав ва совитиш хўжалиги; симли алоқа (темир йўл телеграф-телефон алоқаси: телеграф телефон, радио оўйича ихтисослашув) —фақат 10-синфни битирганлар учун; темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика; радио алоқаси ва радио эшиттириш —фақат 10-синфни битирганлар учун; темир йўлларнинг электр тортиш хўжалиги; темир йўл транспортининг электр таъминоти ва энергетика хўжалиги.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА

(10-синфни битирганлардан 14 августга қадар) ўрта мактабни ёки тўлиқсиз ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида ҳужжати бўлган, ёши 30 дан ошмаган кишилардан қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ —1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА

Ўқувчилар бепул формали кийим-кечак билан таъминланадилар, темир йўл ходимларининг айрим имтиёзларидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумнинг сиртқи бўлими ҳам бор.

Адрес: 700167, Тошкент шаҳри, 2-Сарикўл кўчаси, 3-уй.

Узбекистон ССР «Минмонтажспецстрой» базасига қарашли

83-ШАҲАР ЎРТА ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 8—10 синфни тамомлаган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Слесарь-сантехник-газ пайвандчилар; слесарь-вентиляционниклар; электрогаз пайвандчилар, (1—3 йил); электр пайвандчилар (6 ой, 1 йил); химия ва нефть-химия саноати ускуналари бўйича монтажчилар, токарлар, машинист-кранчилар, автослесарлар (3 йил).

3 йил муддат билан ўқиганларга билим юртини битирганлиги, ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида ҳужжатлар берилади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул, кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва етоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

1 йиллик муддат билан ўқийдиган ўқувчилар 30 дан 76 сўмгача стипендия билан таъминланади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (26-автобус ва 15-маршрут таксининг «Касалхона» бекати).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/V да **Келинлар қўзғолони**, 22/V да **Ҳар тўнисда бир айб**, 23/V да **Ҳар тўнисда бир айб.**

КИНО

22 МАЙДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БИЗНИНГ ҚУРИЛИШ» — **Лисунов номли.**
«ЕШ ОВОЗЛАР» — **Восток.**
«КОМСОМОЛ» — **Қозогистон.**
«КОНЦЕРТ ТОМОН ИЎЛ» — **Искра.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

ЕЗГИ БИНОДА:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Хива** (22,00, телефон 32-78-02).

ҚИШКИ БИНОДА:

«АСРИМИЗ ҮҒИРЛИГИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Кўпча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16).

«ТЕРГОВДА АНИҚЛАНИШИЧА» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-41-52), **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **С. Раҳимов номли** (18, 20.00, телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

«КЕНЖА АЛЕКСАНДР» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 24-22-66).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87) **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

21 МАЙ — ЖУМА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.00 «Москва ва москвиклар». 18.30 «Қувноқ нотачалар». 18.45 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «И. Штраус асарлари». 20.20 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.15 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти. 23.10 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Д. Браунинг чалади (фортепьяно). (АҚШ). 19.20 «Киносаҳнатчилар клуби». 20.20 РСФСРда ҳизмат кўрсатган артист Н. Толстая чалади (арфа). 20.30 «Туннигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Жаҳон велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади. 21.00 «Шеърлар ва рельслар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Хотиним буви бўлди». Телевизион бадиий фильм. 23.30 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР —1 — Голландия герма командалари. 24.00 Оғир атлетика бўйича СССР чемпионати.

Узбекистон телевиденниесининг программалари

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Винни-Пух меҳмонга боради». Мультфильм. 18.00 «Бригада пудратининг шаҳдам одимлари». Фарғона қишлоқ қурувчиларининг тажрибаси ҳақида ҳикоя. 18.30 Педагогика билим юртлари ўқувчи бадиий ҳаваскорлари VIII Республика кўрик-конкурси голибларининг якунловчи концерти. Ҳамза номли академик драма театрида трансляция пайтида ёзиб олинган. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». (рус.). 20.15 «Пилла—бизнинг бойлигимиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Чанг тароналари». Рустам Неъматов. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Дунё воқеалари». 22.45 Телевидение экранида биринчи марта. «Тугилиш». Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 Янгиликлар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти

22 МАЙ СОАТ 15.30 ДА

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Ўрта мактаб, техникум, ҳунар-техника билим юртларининг битирувчилари, темир йўл транспорти ва Транспорт қурилиши министрлиги корхоналарининг ходимлари таклиф қилинади.

Программада педагоглар, факультетларнинг деканлари билан учрашув, институт бўйлаб экскурсия ташкил этилган.

Адрес: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй (25, 39, 61, 66-автобуслар 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефон 91-14-40.

Тошкент область, Бўстонлиқ районидаги 42-ўрта мактаб томонидан **Ҳакимов Иномжон** номига берилган 497564 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

22 МАЙ — ШАНБА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.05 СССР халқ артисти Е. Нестеренко концерти. 18.45 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 19.15 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 20.00 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. 21.30 «Время». 22.00 «Игорь Моисеев балети». Фильм-концерт премьераси. 23.00 Янги ҳужжатли фильмлар программаси: «Дўстлик дарёси» (Киев). «Волга» (Куйбишев кинохроника студияси). 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденниесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». 10.30 Спорт программаси: 1. Узбекистон XIX спартакиадаси. Сув полоси. «Текстильчик» бассейнидан ёзиб олинган репортаж. 2. Шахмат мактаби. 11.30 «Инсон ва қонун». 12.00 Телевизион театр. С. Алёшин. «Ҳамма нарса одамларга қолади». 1-қисм. 13.30 «Келажакни ўйлаб...» Оқ олтин гидромелиоратив техникуми ҳақида ҳикоя. «Чўл гидромелиораторлари». 14.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.30 «Бугун А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институтида». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан». «Ҳужжатли кино экрани». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Партия чақирилгига жавобан. «Қорақалпоғистон шоҳиси». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Тугилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Узбекистон ССР Геология министрлигининг ўқув комбинати коллективи комбинатнинг хўжалик мудири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Илҳом Толипович ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов районига қарашли «Қурилиш» маҳалласида Улуғ Ватан урушида мардларча ҳалок бўлган 61 кишининг номини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик тахтача ўрнатилди. Бу ишда айниқса маҳалла активларидан К. Ғофирхўжаев, М. Нурмуҳамедов, Х. Исматуллаевлар жонбозлик кўрсатишди. Ёдгорликни очишга бағишланган митингда маҳалла комиссиясининг раиси Ф. Раҳматуллаев ҳалок бўлган маҳалладошлари н и н г мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида гапириб берди.

СУРАТЛАРДА: маҳалла чойхонаси ҳовлисида қад кўтарган ёдгорлик. Пастдаги суратда ёдгорликни очиш маросимида қатнашган Чиалов номли 23-ўрта мактаб ўқувчилари.

Х. Шодиев фотолари.

НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

ДЎЛАНА

Атиргуллилар оиласига кирадиган дўлана туркуми ўсимлик турларига жуда бой ҳисобланади. Шулардан 130 тури Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника боғида 1951 йилдан бери ўстирилмоқда. Бўйи 12 метргача бўлади.

Тоғлик жойларда ва тўқайзорларда бу ўсимлик кўп учрайди. Айниқса Америка ўрмонларида ўсадиган дўланаларнинг меваси ширин бўлади. Кўкат деворлар барпо этишда бу бутадан кенг фойдаланса бўлади.

Дўлана ёруғликсевар ўсимлик, яхши суғориладиган тупроқларда тез ўсади. Ўрмон хўжалиги учун бу ўсимликнинг аҳамияти катта, чунки уларнинг ёғочи қаттиқ. Шунинг учун ёғочидан тўқимачилик саноатида мокки тайёрлашда ишлатилади, колодкалар ва подшипниклар ясалади. Улардан кетмон даста, болта ва болта даста қилинса кўп йилгача синмайди.

Боғ, бульвар ва хиёбонларга бит; талаб ва группалаб экилса дўлана турлари яхши самара беради. Баҳорда улар ранг-баранг гуллаб, куза тилла ранг барглари, қизил, қора ҳамда сариқ мевалари билан табиий манзара ташкил қилади. Кейинги йилларда баъзи бир дўлана турларининг меваси қон босимини туширадиган дори сифатида ишлатила бошланди.

К. ОРИФХОНОВ,
биология фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.